

ХАЛҚ БИЛАН ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТ

БУТУНЛАЙ ЯНГИ ДАРАЖАГА КЎТАРИЛАЁТГАНИ
ЯНА БИР БОР ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПДИ

Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларни янада жадаллаштириш зарурати Конституция такомиллаштирилишини ўта долзарб масала сифатида кун тартибига чиқарди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган табригида Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеаларга, шиддатли ислохотларимиз мантигига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустақам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айлангани айтилиб, конституциявий ислохотларнинг йўналишлари кўрсатиб ўтилган эди.

Асосий қонунимиз янгиланишини фуқароларимиз, халқимиз истаётгани-

ни, юрtdошларимиз Бош қомус такомиллаштирилишига қаратилган кўплаб аниқ, асосли таклифларни илгари сураётганини ҳаммамиз кўриб туримиз. Конституцияни такомиллаштириш "Инсон қадрини унун", "Жамият – ислохотлар ташаббускори" деган эзгу ғоя асосида олиб борилаётгани алоҳида эътиборга молик. Мамлакатимиз ҳаёти, келажагига дахлдор мазкур масала халқ билан бамаслаҳат, очиқ-ошкора муҳокама қилиб бориляпти.

Бош қомус ислох қилинишида халқ фикрига таянилмоқда, билдирилган ҳар бир таклиф, мулоҳаза инобатга олинмоқда. Бу муҳим жараёнда О'зЛиДеРнинг барча даражадаги кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари депутатлар, фаоллар билан бирга фаол иштирок этди, тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиб, таклифлар олиш ишларини амалга оширди. Бундай қизгин фаолият нафақат О'зЛиДеР конституциявий ислохотларнинг ташаббускорларидан бири эканлиги билан, балки Асосий қонун такомиллаштирилиши асосида турувчи ғоялар партияимизнинг дастурий қарашларига ҳам-

оҳанглиги билан ҳам изоҳланади. Шунинг учун ҳам партияимиз мазкур масалага энг устувор масалалардан бири сифатида ёндашяпти.

О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида давлатимиз раҳбарининг "Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси" китобида конституциявий ислохотлар буйича белгилаб берилган 9 та йўналиш буйича Ўзбекистон Конституциясини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш ва Конституциявий комиссияга тақдим этиш билан шуғулланувчи ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ҳар бир ҳудудий кенгаш қошида махсус тарғибот гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбирлар ўтказишда асосий эътибор турли соҳа ва тармоқлар қамраб олинишига қаратилди. Партия фаоллари корхоналар, кўжаликлар, хизмат кўрсатиш нуқталари, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, тиббиёт ва таълим муассасаларида ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида мулоқотлар уюштирди.

Давоми 2-саҳифада. ►►

“XXI asr” МИНБАРИ

Қадрли юрtdошлар! Газета-мизнинг мазкур сонидан бошлаб янги – “XXI asr” минбари – рукни остида жамиятимиздаги ўзгариш, янгиланишлар, қолаверса, учраётган айрим муаммоларга бефарқ бўлмаган, муҳими, ўз сўзи, нигоҳи ва ФИКРига эга инсонлар билан суҳбатлар, мақолалар уюштириб, эътиборингизга ҳавола этмоқни режалаштирдик.

Бугунги суҳбатдошимиз – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Шухрат Шарафутдинов. Мулоқотимиз мавзуси шу йил 9 сентябрдан кучга кирган янги таҳрирдаги “Реклама тўғрисида”ги қонун ва унинг асосида кечадиган ўзгаришлар, шунингдек, давлат тилига эътибор масаласи бўлди.

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ҚОНУН РЕКЛАМА БОЗОРИНИ ТЎЛИҚ ТАРТИБГА СОЛА ОЛАДИМИ? 3

1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланиши бежиз эмас. Элимиз азал-азалдан устозларга юксак эҳтиром кўрсатиб келади. Бу муҳтарам зотларнинг ақл-заковат ва илм-фанни, яхши тарбияни ёш авлодга етказиши йўлидаги фидойиликларини ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Юртимизда таълим-тарбия давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган бўлиб, фарзандни туғилганидан бошлаб ҳар томонлама баркамол этиб улғайтириши, ҳаётда муносиб ўрин топишига қўмаклашиши яхлит ва узлуксиз тизим сифатида такомиллашиб бормоқда. Инсон капиталига эътибор янада кучайтирилиб, бу йўлда барча имкониятлар сафарбар этилган ҳолда муҳим дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлилар бугун биз интилаётган Учтинчи Ренессанснинг тўрт таянч устунидир. Шу маънода жамиятимизда муаллим ва устозларнинг ҳурмат-эътиборини ошириши, машаққатли ва шарафли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириши ҳамisha диққат марказида бўлиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг фаоллари сафида мамлакатимиз тараққиёти, фарзандларимизнинг камолоти, таълим-тарбияси йўлида ҳалол хизмат қилаётган барча устоз ва мураббийларни ушбу умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз!



“ОЛТИН ВОДИЙ САЙЁҲЛИК ҲАЛҚАСИ” 2

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА НОГИРОНЛАРГА 50 ФОИЗЛИК ЧЕГИРМА ҚўПЛАНАДИ 2



ЎЗГАРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ЁХУД ТУРИСТЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН АЙРИМ МУАММОЛАРГА ҚАЧОН ЕЧИМ ТОПИЛАДИ? 6

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ХАЛҚ БИЛАН ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТ

БУТУНЛАЙ ЯНГИ ДАРАЖАГА КЎТАРИЛАЁТГАНИ ЯНА БИР БОР ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПДИ

Бошланиши 1-саҳифада. ►►

Партияимиз тузилмалари, маҳаллий кенгашлардаги 2 минг 300 га яқин депутатимиз, 13 мингдан зиёд бошланғич партия ташкилотимиз билан бирга Конституция ислоҳ қилинишига бағишланган 7 минг 22 та тadbир ўтказиб, уларга 275 мингга яқин киши қамраб олинганини қайд этиш зарур.

Тadbирлар бир нарсани яққол кўрсатдики, аҳолининг барча қатламларида Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар катта қизиқиш уйғотмоқда. Фуқаролар партиянинг тарғибот гуруҳлари билан учрашувларда фақат тингловчи сифатида қатнашмасдан, кўплаб фикрларни ҳам илгари сургани алоҳида эътиборга молик.

Партия ишчи гуруҳларига 5 мингдан ортиқ тақлиф билдирилди. Албатта, аҳолидан келиб тушган ҳар бир тақлиф ортда одамларни уйлантирган, Конституцияда акс этишини истаган ора-интилишлари турганини яхши англаймиз. Шу туфайли тақлифларнинг барчасига ниҳоятда диққат билан ёндашилди. Уларнинг орасида фикрлар такрорланган, ўхшаш ёндашувлар баён қилинганлари ҳам борлигини инобатга олган ҳолда тақлифларнинг 2 719 таси Конституциявий комиссияга киритилди. Шунингдек, қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг 121 та жамоавий мурожаати ҳам тақдим этилди.

Буларнинг барчаси жамиятда конституциявий ислоҳотларга қизиқиш даражаси юқорилигидан, ўз вақтида бошланган ҳамда халқ истакларига мос янгиланишлар бўлаётганидан дарак беради. Эътиборлиси, фуқаролар, электоратимиз мамлакат ва жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларига тааллуқли, юртимизда кечаётган ўзгаришлар ва партияимиз сиёсий позициясига ҳамоҳанг тақлифларни илгари суряптилар.

Худудларда ўтказилган учрашувларда аҳоли вакиллари Бош қўшунимизда муаллифлар, ихтирочилар, олимлар, муҳандислар ва раҳбарларнинг илмий, техникавий ижоди, интеллектуал мулкни қонун билан янада қаттиқроқ қўриқиланиши тўғрисидаги нормани киритиш кераклиги борасида фикрлар билдиришди.

Бухоро давлат университети педагог ходимлари юборган жамоавий мурожаатда Конституциянинг 41-моддасида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ОТМларнинг тадқиқотлар ўтказиш эркинлиги ҳуқуқини кафолатлаш тақлифи илгари сурилган. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ва Тошкент вилоятининг Паркент тумани тadbиркорлари эса 53-моддада мулк дахлсизлигини кафолатлаш, иқтисодий муносабатларда инсофсиз рақобат ва моноплашувга йўл қўймаслик бўйича нормаларни кучайтириш тақлифини йўллаган.

Банк билан муносабатга киришаётган миқдор ўз омонатлари, амалга ошираётган банк операциялари ҳақидаги маълумотларнинг бегоналарга ошқор бўлишидан манфаатдор эмас, албатта. Конституцияда банк тизими хизматидан фойдаланувчи миқдор ва банк муносабатлари ҳақидаги маълумотлар махфий сақланиши кераклиги, банк сирини муҳофаза қилинишини мустаҳкамлаб қўйиш бўйича электоратимиз вакиллари томонидан тақлифлар берилди. Асосий қонунимизнинг 36-моддаси иккинчи қисми "Банк операциялари, омонатлар ва ҳисобварақаларнинг сир тутилиши, шунингдек, мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши" таҳририда белги-

лаш лозимлиги таъкидланди.

Мана шу қизғин жараён ичида юрган, кўплаб мулоқотларда бевосита қатнашаётган бир инсон сифатида шуни қайд этаман: Конституцияни такомиллаштириш билан боғлиқ тadbирлар кейинги йиллардаги туб ислоҳотлар натижасида халқ билан давлат ўртасидаги мулоқот бутунлай янги даражага кўтарилганини яна бир бор намоён этипти. Тақлифлар, ташаббусларнинг кўплиги, хилма-хиллиги эса халқимиз Асосий қонун такомиллаштирилиши заруратини чуқур англаётгани ва қўллаб-қувватлаётганидан далолат.

Конституциявий ўзгаришлар бўйича қонун лойиҳаси халқ вакиллари вакиллари фикрини инобатга олган ҳолда референдумга олиб чиқилганидан сўнг партияимиз мазкур босқичда ҳам фаол иштирок этади. Бу борада ҳаракатлар дастури қабул қилинган бўлиб, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқилган. О'zLiDePнинг энг куйи поғонасидан тортиб, марказий аппаратига қамраб олинган махсус ўқувлар ўтказилди. Конституциянинг яқиний лойиҳасини халқ орасида тарғиб қилиш бўйича алоҳида тadbирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ишончимиз комилки, халқ фикрини ўрганиш асосида Конституцияни такомиллаштириш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янги сифат даражасига кўтариш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш ва Ўзбекистоннинг дунёдаги энг илғор давлатлари қаторига киришига улкан имкониятлар яра-тади.



Ақтам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН Фойдаланишда НОГИРОНЛАРГА 50 ФОИЗЛИК ЧЕГИРМА ҚўЛЛанади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-даги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилди.

Айниқса, "Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳока-маси ниҳоятда қизғин кечди.



Умидахон ЗОКИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Ушбу ҳужжат билан интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш жараёнида ортиқча қорғозбозлик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида соддалаштириш мақсадида товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва айни номдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш мuddатини 10 кундан бир кунга, яъни объект муайян давлат реестрларида рўйхатга олинган куннинг

ўзида тегишли гувоҳнома электрон шаклда QR-код билан тасдиқланган ҳолда берилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, "Давлат бош тўғрисида"ги қонунга "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларидан фойдаланишда 50 фоизлик чегирма қўлланиши ҳақидаги қонун мустаҳкамланди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ҳужжатдаги айрим нормалар юзасидан мутасаддиларга бир қатор саволлар берилди. Барча саволларга атрофлича жавоблар олингандан сўнг, қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳаза, тақлиф ва тавсиялар берилган ҳолда, ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда депутатлар кун тартибига киритилган навбатдаги ҳужжат – "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда атрофлича муҳокама қилишди.




Нодиржон АБДУСАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида ер ости бойликларида фойдаланиш тизимидаги зиддиятлар бартараф этилиши, барча субъектларга нисбатан ер қазирдан фойдаланиш тизимини бир хилда амал қилишига хизмат қилади. Шу боис ушбу лойиҳани муҳокама қилиш чоғида унинг бугунги кундаги аҳамияти ва заруратини ҳисобга олиб, фракциядошларимиз билан биргаликда ушбу ҳужжатни маъқулладик.

Йиғилишда фракция фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири



"ОЛТИН ВОДИЙ САЙЁҲЛИК ҲАЛҚАСИ"

ҲАМ ИНВЕСТИЦИЯ, ҲАМ ЭКСПОРТ, ҲАМ ЯНГИ ИШ
ЎРИНЛАРИ ЁХУД ҚИЗИЛ ГИЛДАН САНЪАТ
АСАРЛАРИ ЯРАТИШ СИРИ

Туризмнинг иқтисодий ривожлантиришда катта имкониятлар яратиши ҳеч кимга сир эмас. Боиси, бу соҳа бир вақтнинг ўзида ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган кўнгилочар масканларни ташкил этиш баробарида транспорт, алоқа, йўл қурилиши, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш қорхоналари, маиший хизмат кўрсатиш, сервис ва савдо тармоқларини тараққий эттиришга кучли туртки беради.

Ўзбекистон неча асрлардан буён Хитойдан Европагача бўлган мамлакатларни мустаҳкам ришталар билан боғлаган Буюк ипак йўлининг чорраҳаси сифатида эътироф этилади. Меъморий ёдгорликларга бой Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳризабз ҳамда Фарғона каби тарихий шаҳарларимиз "Шарқ жавоҳирлари" дея довруғ таратган. Айниқса, болдан-да тотли мевалари, миллий таомлари, бетакрор анъана ва урф-одатларига эга очикчехра халқимиз ҳамisha туристлар ҳайратига сабаб бўлган.

Юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилётган янгиланишлар шунчалик шиддат билан кечяптики, уларни санашнинг ўзи кўп вақтни олади. Жадал сурьатларда давом этаётган жараёнлар қаторидан ички ва ташқи туризмни қўллаб-қувватлаш, соҳада фаолият олиб борувчи қорхоналарга инвестиция яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш масалалари ҳам ўрин олган. Бу борада бир-бирдан ажойиб маданий дам олиш масканлари, зиёратгоҳлар қуриб битказилди. Сайёҳларга виза бериш энгиллаштирилди. Аэропортларда "яшил йўлақлар" ташкил этилиб, валюта айир-бошлашдаги муаммолар ечилди. Туристлик қорхоналар учун ижтимоий солиқ ва айланмадан олинган солиқ ставкалари 1 фоиз миқдорда белгиланди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ички ва ташқи зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, "Фарғона – Урганч – Фарғона" авиарейслари, "Андижон – Урганч – Андижон" темирйўл қатнови сонини ошириш, ота-оналар, қариндошлар, қариялар ва устозлар билан биргаликда саёҳат қилиши назарда тутувчи беш кунлик иш кунидан кам бўлмаган "оилавий саёҳат таътили" тизими жорий қилинди.

Фахр ва ифтихор билан айтиш жоизки, ички ва ташқи туризм ривожига "Урта Осиё гавҳари" – гўзал Фарғона замини ҳам пешқадамлардан бири ҳисобланади. Бу, албатта, "Ума келса, кут келур" ("Қўтадаги билиг"дан), "Меҳмон келса эшикдан, risks келар тешикдан" дея меҳмондан молини ҳам, жонини ҳам аямайдиган бағрикенгликнинг самимий тарифидир.

Фарғона – Ўзбекистоннинг қадимги маданият ўчоқларидан бири. Атрофи Тяньшань ва Ҳисор-Олоё тоғлари билан ўралган водий Марказий Осиё тарихида ҳамisha муҳим роль ўйнаган. Ипакчилик, хунармандчилик, кулолчилик дурдоналари билан Мовароуннахрнинг етакчи ўлкаларидан саналган. Марғилон шаҳри эса ер юзининг савдогарлари Миср, Юнонистон, Бағдод, Хуросон ва Қашқарга олиб кетган ипак матолари билан донг таратган. Дунёга машҳур Риштон мисолида 1100 йилдирки, қўли гул хунармандлар қизил гилдан санъат асарларини яратиш келмоқдалар. Қўҳна Хўқанд илм-фан, маърифат ўчоғи сифатида ҳамisha гуллаб-яшнаган.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ташаббуси билан Фарғонада ички ва ташқи туризм соҳаларида салмоқли натижаларга эришилаётгани бор гап. Туристлар учун жозибдор ҳудудга айланаётган Фарғонада 2021 йилда 50 та меҳмонхона, 27 та хостел ва 167 та оилавий меҳмон уйлари фаолият кўрсата бошлагани фикримиз далилидир. Эътиборлиси, туристларга қулайлик яратиш мақсадида жорий йилда янада катта ўзгаришлар кузатишмоқда. Масалан, Фарғона туманида "Чимён шаббодаси" номли

янги экотуризм ва дам олиш маскани ташкил этилмоқда. "Каримхожи ота боғлари" фермер ҳўжалиги томонидан амалга оширилаётган лойиҳанинг тўла ишга тушиши натижасида 230 дан зиёд кишининг доимий бандлиги таъминланади.

Риштон туманида барча хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўзи ичига олган туристик мажмуа ва унга ёндаш ҳудудда кулолчилик марказини барпо этиш яқунланмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги "Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тadbирлари тўғрисида" ги қарори ижроси доирасида қад кўтарётган ушбу мажмуа тўртта янги хунармандлар марказининг бири бўлади.

Бунёдкорлик салоҳияти, етарли шарт-шароит ва имкониятидан қониққан ҳорижий ҳам-қорларнинг бу заминга меҳри тушган диққатга сазовор. Яқинда вилоятга ташриф бўлган япониялик инвесторлар Экошаҳар ҳудудига меҳмонхона-резиденция ва савдо-туризм мажмуаси барпо этиш лойиҳасини тақдим этгани, кунчиқар юрт меъморчилигига хос 4 қаватли саройлар, майдони 50 квадрат метр бўлган савдо дўконлари ҳамда уларнинг эст қаватида апартаментлар, янада боғи, бассейни, сауна, спа-салони, конференциялар залидан иборат мажмуани қуришга киришганлари юқоридаги фикримизнинг яна бир исботидир.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида туристлар учун қулайликларни кўпайтириш, тартибларни соддалаштириш, зиёрат туризмни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят ҳокимларига ҳар бир ҳудуднинг "туристик ҳалқаси"ни ташкил этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш топшириқи берилди.

Бу борада Фарғона вилоят ҳокимининг 5 та туман ва 3 та шаҳарни қамраб олган "Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси"ни ташкил этиш борасидаги ахбороти ҳам илғорликнинг бир қириниши аслида.

Мазкур соҳадаги ислоҳотлар, ўз навбатида, олий таълим тизими вакиллари кўвонтирмоқда. Чунки туризмга қаратилаётган юксак эътибор халқро алоқалар, илмий тадқиқотлар, илғор тажрибалар таълим инновацияси ривожига демакдир. Хозирги кунда Фарғона давлат университетида АҚШ, Германия, Испания, Чехия, Швеция, Португалия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Эрон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон ҳамда Венгриянинг етакчи олий таълим муассасалари билан турли йўналишда 60 дан ортиқ ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, сўнгги уч йилда университет ўқув жараёнига 200 га яқин етук ҳорижий мутахассислар жалб қилинди. Профессор-ўқитувчиларимиз жаҳоннинг энг нуфузли университетларида тажриба алмашиб, янги билимларни амалиётга татбиқ этиб келмоқдалар.

Ишонимизки, гўзал заминимизда "Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси" албатта қад ростилади ва жозибадор масканга айланади. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, "...Туризм – бу ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўринлари ва камбағалликни қисқартириш дегани" дир.



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУН

РЕКЛАМА БОЗОРИНИ ТЎЛИҚ ТАРТИБГА СОЛА ОЛАДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Шўҳрат Шарафудинов билан суҳбат



– Шўҳрат ака, “Реклама тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинишига нималар сабаб бўлди ва унинг эски таҳрирдаги қонундан фарқли томонларига тўхталсангиз.

– “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинишига бир қатор заруриятларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, ушбу янги қонун қабул қилингунга қадар амалда бўлган қонунда умумий тусга эга ва ишламайдиган нормалар мавжуд бўлиб, улар реклама фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ қамраб олмаган эди. Айтиш лозимки, 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган қонун 30 моддадан иборат бўлиб, унга 15 мартаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига тўғри келган.

Бундан ташқари, реклама фаолиятига қўйилмаган талабларнинг етарли эмаслиги, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг реклама соҳасидаги ваколатлари аниқ белгиланмагани ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўллаб ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлган. Масалан, 2021 йилда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан қонун талабларига номувофиқ жами 3 900 дан ортиқ реклама аниқланган.

Оддий мисол, масалан, аввалги қонунда реклама объектининг хавфсиз бўлишига оид талаблар мавжуд эмас эди, жумладан, дори воситалари, биологик актив ва озиқ-овқат қўшимчалари, болаларга мўлжалланган озиқ-овқатлар, алкоғолли ва энергетик ичимликлар рекламасига нисбатан чекловлар етарлича назарда тутилмаган ва рекламани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида воғда етмаганларни ҳимоя қилиш масалалари тўлақонли қамраб олинмаган эди.

Маълумот учун, 2021 йилда энергетик ичимликлар рекламасига қўйилган талаблар бўлиши буйича – 13 та ҳолат, алкоғолли ичимликлар буйича – 98 та, тамаки ва кальян буйича – 67 та ноқонунли реклама аниқланган.

Жорий йилнинг 7 июнида қабул қилинган “Реклама тўғрисида”ги янги қонуннинг аввалги қонундан фарқли жиҳатларига тўхталганда бўлса, янги қонун 8 боб ва 53 моддадан иборат бўлиб, унда лотереялар, қимор ўйинлари ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, халқ табибати товарлари, фонограммалардан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот, молявий хизматлар, пиротехника воситалари, курол ва унинг ўқ-дорилари, ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлар, она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар ва бошқа бир қатор йўналишда реклама қилиш, қонун талабларини бузгани учун юридик шахсларга жавобгарлик белгиланган масалалари ҳам қамраб олинди ва уларни тартибга солувчи нормалар билан мустаҳкамланди.

– Аҳоли орасида, худудларда, реклама тарқатувчи ташкилотларда ушбу қонуннинг тартибига, қонун асосидаги ўзгаришлар буйича тушунтириш ишлари қай даражада олиб бориляпти?

– Аввало айтиш керакки, “Реклама тўғрисида”ги қонунни тайёрлаш жараёни жуда мураккаб кечди. Унинг қонун ташаббускори томонидан Қонунчилик палатасига киритилишидан тортиб, то депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилингунга қадар 10 ойдан зиёд вақт ўтди. Бу мuddат ичида қўшимча моддадан депутатлар, реклама оид фаолият иштирокчилари, тадбиркорлар, мутахассислар ва ваколатли орган, яъни Монополияга қарши курашиш агентлиги иштирокида 20 дан ортиқ муҳокама-лар ташкил этилди, ОАВ орқали қўллаб чиқишлар амалга оширилди, шу жумладан, “O'zbekiston 24” телеканалда алоҳида кўрсатув тайёрланди, соҳадаги халқаро тажриба ўрганилди. Натيجада лойиҳада реклама бозорининг ривожланишига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган 60 дан ортиқ норма, шунингдек, ваколатли давлат органнинг тадбиркорлик фаолиятига ортиқча аралашувларини белгилувчи моддалар қақариб ташланди, мавжуд нормаларга 130 дан ортиқ таҳрир тузатишлар киритилди.

Янги таҳрирдаги қонун қабул қилиниши билан, депутатлар, ваколатли давлат органи томонидан ушбу қонуннинг моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан ОАВ орқали кенг ёритиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, ўзим ҳам қатор марказий телеканалларда чиқишлар қилдим, ижтимоий тармоқлар орқали ва шахсий телеграм канални орқали ёритиб бордим. Бу ишлар ҳозирги кунга қадар ҳам давом эттирилмоқда. Бугунги суҳбатимиз ҳам “Реклама тўғрисида”ги қонун буйича тушунтириш ишларимизнинг самарадорлигини янада оширади деб ўйлайман. Айниқса, “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетасининг ҳам аудиторияси нисбатан кенглигини эътиборга оладиган бўлсақ, тушунтиришларимиз кенг жамоатчиликка етиб боради деган умиддаман.

– Ушбу қонунга амал қилишнинг назорат механизми қай тартибда кечеди? Масалан, айтилик, мамлакатимиздаги бирор давлат ёки хусусий радиоканалда реклама қилинаётган дори фақат шифокорнинг рецепти буйича тарқатиладиган дори воситасига кириш-кирмадлиги ёки биологик фаол қўшимчалар рек-

ламасида ушбу қўшимчалар даволаш хоссаларига эга деган таассуротни уйғотиш-уйғотмаслиги қандай аниқланади? Қонунбузилиш ҳолатини тезкор равишда аниқлаш, жавобгарликка тортиш, қайси қонунларга мувофиқ қандай жазо қўлланиши буйича ҳам маълумот берсангиз.

– “Реклама тўғрисида”ги қонунни тайёрлаш жараёнида энг баҳсли ва кенг мунозараларга сабаб бўлган жиҳатига тўхталдингиз. Дори воситаларини реклама қилиш масаласи албатта тартибга солиниши лозим. Чунки обрў-эътиборга эга бўлган шахслар ёки тиббиёт ходими томонидан дори воситаларини реклама қилиш орқали ишонувчан аҳоли қатламига жиддий таъсир кўрсатиш мумкин бўлади. Шу сабабдан қонунда дори воситалари рекламасида таниқли шахсларнинг, тиббиёт ходимларининг ёки ташқи кўриниши шифокорларнинг ташқи кўринишига ўхшаш шахсларнинг иштирок этиши тақиқланган эди. Бундай ҳулосаларга келишдан олдин тиббиёт соҳаси мутахассислари билан жуда кўп маслаҳатлашувлар ва муҳокамалар ўтказилди.

Сиз айтганда, реклама қилинаётган дори фақат шифокорнинг рецепти буйича тарқатиладиган дори воситасига кириш-кирмадлигини аниқлаш масаласида мутахассислар маълумотига асосланган. Яъни, тиббиётда фақат шифокорнинг рецепти буйича тарқатиладиган дори воситаларининг рўйхати шакллантирилган ва у белгиланган тартибда тасдиқланган бўлади. Агар бундай дори воситалари рекламасига бирор-бир жисмоний ёки юридик шахс томонидан йўл қўйилса, албатта, ваколатли давлат органи томонидан қонунбузилиш ҳолати қайд этилади ва белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Худди шундай тартиб биологик фаол қўшимчалар рекламасига ҳам тааллуқли.

Қонуннинг 47-моддасида реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун юридик шахсларга молявий санкциялар белгиланган бўлишига нормалар киритилган. Жумладан, номақбул реклама берганлик, аксилрекламани беришни рад этганлик – базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш баравари миқдоридан жазога солишга ёки ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши ёки реклама қилиниши қонунчиликда тақиқланган ёки чекланган маҳсулот тўғрисида реклама тарқатганлик – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридан жазога солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-, 189- ва 189-моддаларида, шунингдек, Жиноят кодексининг 130-, 130-моддаларида реклама фаолиятига оид қонунчиликни бузгани учун фуқаролар ва мансабдор шахсларга жазо чоралари қўлланиши белгиланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, рекламага оид фаолият субъектлари бўлган юридик шахсларнинг реклама тўғрисидаги қонунчилик соҳасидаги аниқланган ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олган тақдирда молявий санкцияларни қўллаш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади, низо мавжуд бўлган тақдирда эса молявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги масала суд тартибида ҳал этилади.

Молявий санкцияларни қўллаш рекламага оид фаолият субъектлари бўлган юридик шахсларни ваколатли давлат органининг қарорини ёки кўрсатмасини бажариш ёхуд реклама тўғрисидаги қонунчилик соҳасида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

– “Реклама тўғрисида”ги қонун кучга кирганига 17 кун бўлди. Аммо унда белгиланган талабларни бажариш буйича ишлар жадал кечмаяпти ёки бизга сезилмаётгандек. Масалан, кўча-кўйда кўп кўрадиганимиз чет тилларда ёзилган ташқи реклама баннерлари, эълонлар ҳали-ҳамон ўзгартирилмаётган турибми-ку?..

– Биласиз, қонуннинг кучга киришига қадар 3 ой муҳлат берилган эди. Албатта, бу мuddат ичида ваколатли давлат органи қонун ижросини таъминлаш билан боғлиқ барча чораларни кўриши, шу жумладан, рекламага оид фаолият иштирокчиларига, кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини олиб бориши назарда тутилган эди. Билишимча, ваколатли давлат органи томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган, ишлар жадал кетмаётгани ёки сезиларли бўлмаётганини, балки иш кўламининг катталиги билан боғлаш асосли бўлар.

Лекин айтиш жоиз, рекламанинг айлиниши соҳасида қонун ижросини таъминлашда фақат ваколатли давлат органи имкониятларига қараб туришимиз тўғри бўлмайди. Бу ерда жамоатчиликнинг иштироки жуда муҳим деб ҳисоблайман.

Қонуннинг 10-моддасида рекламага оид фаолият субъектлари ННТ шаклидаги бирлашма тузилари мумкинлиги ва ўз фаолиятида рекламага оид фаолиятни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар билан чиқиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли тақлифлар кири-тиши, маркетинг ҳамда рекламага оид фаолиятни юри-

тишинг юксак ахлоқий мезонларини қўллаб-қувватлаш буйича талабларни белгиладиган қоидалар тўпламидан иборат бўлган реклама амалиёти кодексларини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида, ўзини ўзи тартибга солиш механизмларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиши, шунингдек, рекламанинг айлиниши соҳасидаги жамоатчилик мониторингига ва ҳисобга олишга доир тадбирларни ташкил қилишда иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, ваколатли давлат органига ҳам уларнинг фаолиятига кўмаклашиш вазифаси юклатилган, яъни қонуннинг 8-моддасида ваколатли давлат органи рекламага оид фаолият субъектларининг бирлашмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида ҳалол рақобат ҳамда қонунчиликка риоя этиш принципларига асосланган реклама бозорини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга, шунингдек, рекламанинг айлиниши соҳасида ўзини ўзи тартибга солиш механизмларини жорий этишга кўмаклашган деб белгиланган.

Ўйлайманки, ана шу ва бошқа имкониятлардан етарлича ҳамда самарали фойдаланилса, тез орада реклама бозоридagi ўзгаришларни сеза бошлаймиз.

– Хабарингиз бордир, бир мuddат аввал Адлия вазирининг давлат тили масалалари буйича маслаҳатчиси, журналист-блогер Шаҳноза Соатова яқинда “Реклама тўғрисида”ги қонун кучга киришини, аммо тадбиркорлар нега ҳалиям ўзгариш қилмаётганини ёзган эди. Аммо у баъзи ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан тўғри рус тилига қарши чиққанликда айбанди. Айтиш шу ҳолат буйича фикр билдирсангиз.

– Шаҳноза Соатова ни шахсан танимайман, лекин эркин фикрли бир жамиятимиз аъзоси эканига шубҳам йўқ. Тўғриси, сиз айтган масаладаги чиқишини кўрганим, кузатганим йўқ. Агар “Реклама тўғрисида”ги қонун ижросини таъминлаш буйича муаммоли масалани кўтариб чиққан бўлса ва у муҳокамаларга сабаб бўлган бўлса, мен буни қўллаб-қувватлайман. Чунки шу каби муҳокамалар орқали ҳам қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш имконияти бўлади.

Энди тил масаласида. Биласиз, “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили экани, шунингдек, 7-моддасида давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилиши таъминлаши белгилаб қўйилган. Бундай қоидаларни ҳар қандай мустақил давлатнинг ўз давлат тили тўғрисидаги қонунчилигида ҳам қўришимиз мумкин. Бу жуда ҳам тўғри, чунки тилни бой бериш – миллатни бой бериш демакдир.

Биз бир нарсани тўғри талқин қилишимиз керак, тилимизни ривожлантиришга нафақат давлат, балки жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси масъул бўлиши зарур деб ўйлайман. Бизнинг бу йўлдаги ҳаракатимизни, интилишимизни бошқа тилларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш, қайсидир тилга қарши чиқиш деб баҳолаш ёки унга сиёсий тус бериш – моҳиятан нотўғри.

Чунки мамлакатимизда барча тилларни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилган. “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 2-моддасида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди деб белгилаб қўйилган. Ушбу ҳуқуқ Конституцияимизнинг 4-моддасида аниқ қилиб мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунинг учун кимдир қайсидир тилга қарши дейилишидан олдин қонунларимизни ахшилаб ўқишларини тавсия этган бўлар эдим.

– Ушбу қонуннинг 6-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тарқатилади” дея белгиланган. Шу ўринда бир савол: нега лотин ёзувга асосланган ўзбек алифбосида берилиши тўғрисида ҳеч нарсга дейилмаган?

– Бу саволингиз юқоридagi тил тўғрисидаги фикрларимизнинг мантиқан давоми бўлади. Тўғри таъкидладимиз, “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тарқатилади деб аниқ белгилаб қўйилган ва ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари юқорида айтганимиз каби “Давлат тили ҳақида”ги қонунда ҳам белгилаб берилган.

Шу билан бирга, республикамизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг ҳам конституциявий ҳуқуқлари қонунда назарда тутилмоқда. Яъни, давлат тилида берилган реклама мазмунининг таржимаси айрим талабларга риоя этган ҳолда бошқа тилларда такрор берилиши мумкинлиги мустаҳкамланмоқда. Булар:

реклама мазмунининг бошқа тиллардаги таржимаси матни унинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги асосий маъносини бузиб кўрсатмаслиги;
ташқи реклама орқали жойлаштириладиган рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси матни Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги реклама матнининг пастки қисмида горизонтал ҳолда жойлаштирилиши ва умумий реклама майдонининг қирқ фоизидан ошмаслиги;
рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси матни ҳарфининг ўлчами Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги реклама матни ҳарфининг ўлчамидан кичик бўлиши;
теле- ва радиоканалларда, шунингдек босма нашрларда тарқатиладиган рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси ҳар кунги умумий реклама ҳажмининг йигирма фоизидан ошмаслиги кераклиги белгиланган.

Энди лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида берилиши билан боғлиқ норманинг қўнғига киритилгани ҳақида. Агар эътибор қаратган бўлсангиз, “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида унинг мақсади келтирилган, яъни ушбу қонуннинг мақсади рекламанинг айлиниши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат деб белгиланган.

Демак, ушбу қонунга кўра ўзбек алифбоси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш назарда тутилмаган. Айтиш жоиз, бу масала соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

– Янги таҳрирдаги ушбу қонунда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги рекламанинг айлиниши соҳасидаги ваколатли орган экани таъкидланган ва 14 та бандда ушбу орган ваколатлари саналган. Шу билан бирга, “Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин” дея қайд этилган. Айтинг-чи, ушбу “бошқа ваколатлар” нималардан иборат?

– Тўғри таъкидладимиз, қонуннинг 8-моддасида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги рекламанинг айлиниши соҳасидаги ваколатли давлат органи экани ва унинг бир қатор ваколатлари белгиланган. Шунингдек, ушбу моддада “Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин” деган норма ҳам белгиланган.

Бу қонунчилигимиз амалиётида қўллаб келинадиган стандарт нормалар ҳисобланади. Эътибор қилсангиз, бундай норма фақат 8-моддада эмас, балки 7-, 9-, 10-моддаларда ҳам белгиланган. Бунинг асосий сабаби, ваколат берилаётган органларнинг ваколати соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам белгиланган бўлиши мумкинлиги, уларнинг барчасини битта қонунда мужассам қилиш ёки такрор бериш имкони ва зарурияти ҳам йўқлиги билан тушунтирилади.

Шу сабабли қонунларда бундай норма берилаётганда “қонунчиликка мувофиқ” ибораси ишлатилди. Яъни, қонунчиликка эид бўлмаган соҳага оид ҳар қандай фаолиятларини амалга оширишлари мумкин.

– Янги таҳрирдаги ушбу қонун талаблари орқали бугун жуда катта аудиторияга эга ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар, масалан, “Facebook”, “Instagram”, “Telegram”га жойлаштирилаётган, уларда тарқатилаётган турли мазмундаги рекламаларни тўлиқ тартибга солиш мумкинми ва бу қай тартибда амалга оширилади?

– Реклама бериш нуктаи назардан бу жуда мураккаб савол. Биламизки, интернет тармоғи кечиси ва чегараси мавжуд эмас. Қонуннинг 5-моддасида асосий тушунчаларга таъриф берилганда, реклама – ҳар қандай реклама воситаларидан фойдаланган ҳолда тарқатиладиган, мазмуни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган рекламалардан фойдаланувчиларга қаратилган ва реклама объектига эътиборни жалб қилиш, унга бўлган қизиқишни шакллантириш ёки қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уни бозорда бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида илгари суриш учун мўлжалланган махсус ахборот, деб белгиланган. Яъни, қонунга асосан республикамиз ҳудудидagi фойдаланувчиларга қаратилган ва даромад олиш мақсад қилинган махсус ахборотни биз реклама деб қабул қиламиз.

Лекин ҳаммамизга маълумки, чегараси бўлмаган интернет тармоғида тарқатилаётган турли рекламаларни, албатта, тўлиқ тартибга солишнинг имкони йўқ.

Шундай бўлса-да, қонуннинг 31-моддасида интернет жаҳон ахборот тармоғи воситасида тарқатиладиган реклама бўлган талаблар белгилаб берилди. Жумладан, унда интернет жаҳон ахборот тармоғи воситасида тарқатиладиган реклама “Реклама тўғрисида” ги қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган рекламага қўйилмаган асосий талабларга, шу жумладан, реклама берувчи ва реклама тарқатувчи бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган тақдирда рекламани тарқатишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабга мувофиқ бўлиши кераклиги, шунингдек, қонунчиликда интернет жаҳон ахборот тармоғининг “U2” домен зонасидаги ахборот ресурсларида рекламанинг айлинишига нисбатан қўшимча талаблар белгиланиши мумкинлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, интернетдаги қайси ахборотларга нисбатан қонуннинг амал қилиши таъкид этилмаслиги ҳам белгилаб берилмоқда. Жумладан, қонуннинг 2-моддасига назар соладиган бўлсақ, унда:

– ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарлар ҳақида товарларни ишлаб чиқарувчиларнинг ва (ёки) сотувчиларнинг сайтларига ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларга жойлаштирилган интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ахборотга, агар кўрсатилган маълумотлар сайтга ёки ижтимоий тармоқдаги саҳифага кирувчиларни реализация қилинаётган товарлар, уларнинг ассортименти, улардан фойдаланиш қоидалари ва бошқа хусусиятлар (хоссалар) тўғрисида хабардор қилиш учун мўлжалланган бўлса;

– интернет жаҳон ахборот тармоғининг ахборот-қидирув тизимларидаги сўровлар буйича берилган натижаларга нисбатан ушбу қонун нормалари таъкид этилмаслиги белгиланган.

– Сизнингча, янги тартибда қабул қилинган ушбу қонун орқали мамлакатимизда реклама бозорида қандай ижобий ўзгаришларга эришилади?

– Ҳар қандай қонун қабул қилинишида, албатта, у ёки бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга ва соҳани ривожлантиришга қаратилган бўлиши ва энг аввало, аҳолига манфаатли бўлишига ҳаракат қилинади.

Агар “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг асосий мақсадида келиб чиқадиган бўлсақ, унинг ижросини таъминлаш орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рекламани ишлаб чиқириш, тарқатиш, жойлаштириш ва фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга, тадбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллаштиришга, маҳсулотни реализация қилиш шартлига кўра, истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар реклама воситасида тарқатилишининг олдини олишга, жисмоний ва юридик шахслар, жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини номувофиқ рекламадан ҳимоя қилишга ва умуман, мамлакатимизда реклама бозорини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга эришилади.

“АЁЛЛАР ҚАНОТИ” ЛОЙИХАЛАРИ АМАЛДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



МАҲАЛЛА АҲЛИГА МАҲОРАТ ДАРСИ

O'zLiDeP Тахياتош туман кенгаши ташаббуси билан “Бунёдкор аёллар” лойиҳаси доирасида тадбиркорликка қизиқувчи хотин-қизлар учун “Textile shop Gulnara” МЖЧга саёҳат ташкил қилинди.

Халқлар дўстлиги маҳалласида жойлашган мазкур корхона раҳбари Гулсара Атажанова меҳмонларни тикув цехида олиб борилаётган ишлар билан таништирар экан, фаолиятини қандай бошлагани, айти кундаги ҳамда келгуси режалари билан ўртоқлашди. Сўнг ушбу йўналишда ўз тадбиркорлигини бошлаш истагидаги ёшларга маҳорат дарси ўтди.

Мулоқот давомида O'zLiDePнинг асосий мақсад ва вазифалари, электрот вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам тушунтирилди. Учрашувда хотин-қизлар тадбиркорликка оид ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олишди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ

БУГУНГИ ТАЛАБА – ЭРТАГА ТАДБИРКОР

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг телекоммуникация технологиялари ва касбий таълим факультетида талаба қизлар билан мулоқот бўлиб ўтди. O'zLiDeP Қашқадарё вилоят ва Қарши туман кенгашларидаги “Аёллар қаноти” ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда бўлим мудирини Гулбаҳор Тўраева “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастурида белгилаб қўйилган вазифалар – хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш, тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида сўзлаб берди.

– Мана шу талабаларимиз орасидан келгусида таниқли ишбилармон, оилавий тадбиркорлар етишиб чиқишига ишончим комил, – дейди факультет деканининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳра Усмонова. – Қизларга партиянинг “O'zLiDeP аёллари – Янги Ўзбекистон бунёдкори” ва бошқа шу каби лойиҳалари хусусида батафсил маълумот берилди. Сир эмас, тараққиётимизни замонавий компьютер технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Янгилаётган дийримизда инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда хотин-қизларимиз ҳам алоҳида ташаббус кўрсатаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, биз тайёрлаган мутахассислар воҳамизнинг чекка ҳудудларида ўқув марказлари очиб, ёшларга касб ўрганишида амалий ёрдам беришяпти. Хориждан усқуналар келтириб, ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишяпти. Бу эса хотин-қизларимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга сиёсий кучнинг дастурий мақсадларини тарғиб қилувчи материаллар тарқатилди.

Феруза МУСТАЕВА,
O'zLiDeP Қарши туман кенгаши
раиси ўринбосари – аппарат раҳбари



ЭХТИРОМ

НЕГА ЎЗБЕКЛАРДАН НОБЕЛЧИ ЧИҚМАЯПТИ?

**ТАНИҚЛИ ИҚТИСОДЧИ
ОЛИМ НИЗОМИДДИН
ҲАЙДАРОВНИ ҲАР ГАЛ
КЎРГАНИМДА МИЯМДА
ШУ ҚАЛТИС ВА ОҒРИҚЛИ
САВОЛ АЙЛАНАВЕРА-
ДИ-АЙЛАНАВЕРАДИ.
ЖАВОБ ТОПОЛМАЙМАН
БАРИБИР. У БИЛАН
СУҲБАТЛАШГАНИМДА
МАШҲУР АЛЛОМА АБУ
РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ
“ДОНИШМАНД ВА ОЛИМ-
ЛАРИНИНГ ХУЛҚЛАРИДАН
ЎРНАК ОЛИШ ЯХШИ
ХУЛҚНИ ТИРИЛТИРАДИ,
ЁМОННИ ЙЎҚ ҚИЛАДИ”
ДЕГАН ҲИҚМАТЛИ СЎЗ-
ЛАРИНИ ЭСЛАЙМАН.**

Иқтисод фанлари доктори, профессор Низомиддин Ҳайдаров Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган. 1988 йили Тошкент халқ ҳўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)ни молия ва кредит мутахассислиги бўйича таъминлаган. 1990 йили Россиянинг Санкт-Петербург иқтисодиёт ва молия университети аспирантурасига ўқишга кириб, 1993 йили номзодлик илмий ишини муваффақият билан ҳимоя қилган. 2003 йили “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида)” мавзусида докторлик диссертацияни ёқлаган. 2006 йили эса профессор илмий унвонига сазовор бўлган.

Низомиддин Ҳайдаров ўз фаолиятини Тошкент халқ ҳўжалиги институтида оддий ўқитувчиликдан бошлаб, кейин кафедра мудирини, факультет декани, проректор лавозимларида самарали ишлади. Сўнгра илмий-педагогик

фаолиятини Тошкент молия институтида қизғин давом эттирди. У илмий салоҳиятини мунтазам юксалтириб, соҳада бўлаётган катта-кичик янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб борди. Ўз билимини эринмасдан ёшларга ўргатади. Илм ўрганиш йўлида ўзи ҳам асло тиним билмайди, шогирдлари ва талабаларни ҳам тинчитмайди. У киши айрим ўтроқ олимлар ва ҳамкасбларига ўхшаб маълум манзилга етгач, тўхтаб қоладиганлар тоифасидан эмас. Аксинча, билимини ошириш ва илмини юксалтириш, ўз соҳасида кашфиётлар қилишга астойдил бел боғлаган, фикри-ёди янгиликда бўлган олимлар қатламига киради.

**Ёрқин АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби,
профессор:**

– Бугун барча соҳаларда бўлгани каби олий таълимда ҳам катта ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Бу қизғин жараёнда иқтисодиёт соҳасининг етук билимдонлари қаторида Низомиддин Ҳайдаровдай забардаст олимнинг борлиги ва таълим ислохотларига муносиб ҳисса қўшаётганидан бениҳоя хурсандман. У иқтисодиётнинг молия, кредит ва статистика соҳаларини жуда яхши ва пухта ўзлаштирган олимлардан. Ҳамиша илмий изланишда, ўқиб-ўрганишдан сира эринмайди. Илмий мақола ва маърузаларида янги фикр айтишга интилади. Талабчан устоз ва раҳбар. Тўғриси, сафимизда шундай камтарин, самимий, билимдон, фидойи олим ва инсон борлигидан ҳамиша фахрланаман.

Низомиддин Ҳайдаров сермахсул олим бўлиб, 130 га яқин илмий иш, жумладан, 1 та дарслик, 11 та ўқув услубий қўлланма, 68 та илмий мақола муаллифи, 210 та республика ва халқаро конференцияларда илмий чиқиш қилган. Шу кунга қадар унинг илмий раҳбарлигида 2 нафар фан доктори, 21 нафар фан номзоди илмий ишини муваффақият билан ҳимоя қилди. Домланинг иқтидорли шогирдла-



ридан бири, Молия институти доценти Учқур Ўроқов шундай деди:

– Устознинг учта бетақдор фазилатини эслаб ўтмоқчиман. Биринчидан, улуғ саркарда Амир Темурга ихлоси жуда юксак бўлиб, қаерда ишлагани, хоналарида доимо бу буюк зотнинг бюсти туради. Соҳибқирон ҳақида янги китоб чиқадики ёки мақола, албатта, топиб ўқийди. Иккинчидан, иқтисодиёт соҳасидаги Нобель мукофоти сазовор бўлган йирик олимлар ҳақидаги маълумотларни йиғиб, биз шогирдларини ҳам мунтазам таништириб боради. Ўзбек иқтисодчи олимлари орасидан ҳам Нобель мукофоти совриндори чиқишини жуда орзу қилади. Учтинчидан, рақамларни яхши кўради. Ўзи ҳам аниқ рақам билан гапирди. 2018–2022 йиллари Статистика қўмитаси ҳузуридаги кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг илмий-ишлар, инновация-

лар ва халқаро алоқалар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаганида ҳам рақамларга меҳри жуда бандлигини кўрганмиз.

Айни пайтда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси бошлиги бўлиб қизғин фаолият олиб бораётган, умрининг олтишинчи довоғига сермахсул ва серҳосил хирмон билан етиб келган таниқли иқтисодчи олим Низомиддин Ҳайдаров камолот йўлининг айрим қирраларини ёритишга ҳаракат қилди. Қаҳрамонимизни янада нурли ва ёруғ манзиллар кутаётганига ишонамиз.

**Ашурали Жўраев,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист**



“NAVOIY KON-METALLURGIYA KOMBINATI”

акциядорлик жамияти жамоаси



Хизматлар лицензияланган.

“ШҶРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

ёш авлодга замонавий илм-фан ва касб-хунар сирларини ўргатиш, улар онгига юксак инсоний туйғу ва фазилатларни сингдириш борасида бор куч-гайрати, билими ва маҳоратини аямасдан астойдил хизмат қилаётган азиз устозларимизни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni билан самимий муборакбод этади.

Мухтарам устозлар! Сизлар борсизки, фарзандларимизнинг келажакдан кўнглимиз тўқ, эртанги кунга ишончимиз баланд!

Барчангизга мустақкам соғлиқ, бахт ва омад, хонадонингизга тинчлик, файзу барака тилаймиз.



Хизматлар лицензияланган.

ДИҚҚАТ, ПРЕМЬЕРА!

УЙДА... ЙЎҚ, “ТУНДА ЁЛҒИЗ”



...Шифокор аёл фарзандларини дала ҳовлига олиб борганида, уни кутилмаганда шошилч операцияга чақиршади. Болалари тоғда ёлғиз қолади. Бахтга қарши эрининг ҳам машиниси бузилиб, улар ёнига етиб келолмайди.

Уйда ёлғиз қолишдан катталар ҳам чўчиди баъзан. Айниқса, ярим тунда. Устига-устак, олис тоғлар бағрида ўзлари қолган болакайлар ҳолини тасаввур қилиш осон эмас. Энг даҳшатлиси, ғаройиб душман қаршисида ожиз қолиш. Бир маҳал...

Хуллас, воқеалар ривожини “Yoshlar” телерадиоканали буюртмасига биноан “Ўзбек

телефильм” ДУК томонидан суратга олинган янги саргузашт фильми орқали билиб оласиз. “Тунда ёлғиз” деб номланган фильмга Ислому Рисулов режиссёрлик қилган, сценарий муаллифи таниқли адиб Темуруллат Тиллаев, Аваз Искандаров эса тасвирчи сифатида бор маҳоратини намойиш эта олган. Фильмда бош ролларни ёш, иқтидорли актёрлардан Дирёрбек Султонмуродов, Муҳаммадамин Маъмуржонов, Нигина Анорбоева, Самиддин Лутфуллаев, Умаржон Жумаев, Дирёр Курбонов ҳамда Турсунхўжа Бобохўжаев ижро этган.

Қизиқарли ва ҳаяжонли воқеаларга бой фильм тез кунда (8 октябрь, 19:10) “BolaJon” телеканалда намойиш этилиши режалаштирилган.

Носир БОЙМИРЗАЕВ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

EUROLUX “Eurolux”
 INDUSTRIAL ENGINEERING

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Ҳурматли устоз-мураббийларимизнинг фидокорона меҳнатини, бир соатлик заҳматини шарҳламоқ осон эмас. Бу меҳнат ҳақини эса

сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий

бобомиз айтганидек, “минг ганж ила” ҳам адо этиб бўлмайди.

Ўз зиммаларидаги ҳам машаққатли, ҳам масъулиятли вазифани

шараф билан уддалаётган азиз ва мўтабар зотларни касб

байрами билан табриклар, энг эзгу тилақларимизни изҳор этамиз.

Байрамингиз муборак бўлсин!



Маҳсулот сертификатланган.

АКС САДО

ЎЗГАРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

ЁХУД ТУРИСТЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН АЙРИМ МУАММОЛАРГА ҚАЧОН ЕЧИМ ТОПИЛАДИ?

Ўзбекистонга келаётган ҳар бир турист ўзи билан давлат иқтисоди учун жуда зарур бўлган эркин алмаштириладиган валюта олиб келади, қолаверса, меҳмонларнинг маблағ тўлаб турли хизматлардан фойдаланиши аҳолини иш билан таъминлашни даражасини оширади. Шу боис визасиз режимни жорий этишни ортага суриш мамлакатга қимматга тушади. Сайёҳларни тегишли тартибда назорат қилишни эса тегишли органлар амалга ошириши зарур.

Хайрият, чет элликлар, жумладан, мен юртдоши бўлган канадаликларнинг Ўзбекистонга 2019 йил апрелдан бошлаб визасиз келишига рухсат берилди. Афсуски, алмисокдан қолган айрим тартиблар ҳалигача туристларнинг жигига тегяпти. Булардан бири – **вақтинчалик регистрация**. Ҳеч кераги йўқ овозгарчилик! Масалан, ҳар бир соати тиғиз бўлган сайёҳ ИИБга бориб, қимматли вақтини кетказиб, ўзининг келганини қайд қилдиради. Онлайн қайд қилдирса ҳам булар экан аслида. Лекин участка ноизири келиб, хорижлик меҳмонни яшаш жойида текширяпти. Бу иш мениям бошимга тушди. Бошқа демократик давлатларда ҳеч қандай регистрация тартиби йўқ. Ҳатто виза олиб бориладиган давлатларда ҳам!

2018 йили Ўзбекистонга келганимда Тошкентдаги уйимда доимий қайдим бор эди. Шунинг учун вақтинчалик қайдга кўйдирмагандим. Кетишимга икки кун қолганида устимдан маъмурий иш кўзатишларига озгина қолган. Ярим кунимни пойтахтдаги Шайхонтоҳур туман ИИБда ўтказиб, ахйир ўзим ҳақлигимни уларга тан олдиранддим. Лекин орада асабийлашиб, вақтим зое кетганига ачинганман.

Кўпчилик дўстларим билишади, яқинда бир ҳафтага она юртимга бориб келдим. Халқимизнинг “Ўзингга эҳтиёт бўл, кўшинингни ўғри тутма” деган доно нақлига амал қилиб, ИИБга бордим. 50 минг сўмча тўлаб, ўзимни вақтинчалик қайд қилдириб қўйдим. Шу билан иш битди, деб адашган эканман.



“Ўзбекистоннинг ташриф қоғози”, “XXI asr” газетаси, 2022 йил 22 сентябрь, 38-сон

Эртасига кундузи соат уч яримларда Андижондаги уйимизга икки участка ноизири келишди. Менинг қайд қилинганлик тўғрисидаги ҳужжатим ва паспортимни сўрашди. Мен хайрон бўлганча “Қайд қилдирганим етарли

эмасми, нега яна келиб текширяпсизлар?” деб сўрадим. “Ҳақиқатан ҳам, шу уйдасиз эки бошқа ердасиз, билмоқчи эдик”, дейишди. На кулишни билдим, на... Албатта, участка ноизрлари ўз-



ларига берилган топириқни бажаришди, холос. Аксарият чет эл давлатларида қайд қилиш тартиби йўқлигини эслаб кўйиш билан чекландим холос.

Хўш, ўша ноизрлар келганида уйда эмас, бирор ёққа кетган бўлсам, нима бўларди? Мени қидирувга бериб, топишлари билан қўлга олиб, мамлакатдан тезда чиқариб юборишармиди?! Ақлли кишилар бу саволга “йўқ” деб жавоб беришади. Унда уйга келиб, текширишнинг ҳам кераги йўқлиги кундек равшан эмасми?

Аслида, юқоридаги каби, баъзилар учун майда-чуйда туолган нарсаларни ёритиш ниятим йўқ эди. Аммо Facebookда журналист Норқобил Жа-

лининг “XXI asr” газетасида туризм муаммолари ҳақида ёзган мақоласини ўқиб, сукут сақлаб турмасликни танладим. Фурсатдан фойдаланиб, чет эллик туристларни вақтинчалик қайд қилиш тартиби бекор қилиниши, Ўзбекистоннинг чет эллардаги ваколатхоналари ходимлари одам ажратмасдан, ҳар бир кишига қонун доирасида хизмат кўрсатишлари ва мурожаатларга ўз вақтида қонқарли жавоб беришлари зарурлигини эслаб итмоқчиман.

Бахтиёр ШОҲАЗАРОВ

Торонто шаҳри,
Канада

ҚУТЛОВ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ

“NIL GRANIT”

масъулияти чекланган
жамияти жамоаси

мамлакатимиз таълим тизимида меҳнат қилаётган барча

педагог ходимларни

Ўқитувчи ва мураббийлар кунини

билан чин қалбдан табриклаймиз.

Эртамин эгаларини ўз фарзандидек кўриб, уларга илм бераётган,

ҳаёт сабоғини улашаётган жонқуяр муаллимларимизни

қанча эъзозласак, шунча кам.

Касбингиздан камол топинг, меҳнатингиз
роҳатини кўринг, муҳтарам фидойилар!

Маҳсулот сертификатланган.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “DIYOR-AZAMAT SERVIS”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртимиздаги барча мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларини, умумтаълим мактабларининг муаллимларини, олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ижодий зиёлиларни қутлуғ касб байрами билан муборакбод этамиз.

Бугун Янги Ўзбекистон сари интилаётган Учинчи Ренессанснинг пойдевори бўлмиш ёш авлодни тарбиялашдек эзгу ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин.

Ҳурмат-эътиборингиз, қадрингиз ошаверсин!

Азиз муаллимлар! Устозни отадан улуғ деб билган донишманд халқимиз меҳру муҳаббатини ҳис қилиб яшайверинг.

Маҳсулот сертификатланган.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASIБош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВТаҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВАСирожиiddин САЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВСардор
МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир
уринбосари)Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ruТелефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 951 Адади: 5167
Электрон обуна – 1355Баҳоси келишилган нарҳда.
Топирилди – 19:40Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнерларЭлёржон Неъматов,
Маъруфжон Раҳмонов
саҳифалади.

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА